

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ” КАФЕДРАСИ**

Қўлёзма ҳукукида

УДК: 657.1+629.3 ( 575.1)

Рахмонов Набижон Бахтиер ўғли

**ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯНАДА  
РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР  
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Автотранспорт хизматини кўрсатувчи корхоналар мисолида)

5А 230901 - «Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва сохалар бўйича)»  
мутахассислиги бўйича

Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: проф. Холбеков Р.О.


ТОШКЕНТ – 2019

Ушбу магистрлик диссертацияси ишида автомобиль транспорти корхоналарида асосий воситалардан самарали фойдаланган ва ҳисобини такомиллаштирган ҳолда хизматлар сифатини ошириш билан бирга, хизматлар таннархини пасайтириш борасида илмий таклиф ва тавсиялар берилган.

In this dissertation in order to reduce the costs of the service and correctly organize the account, the procedure for deductions of automobile tires and accumulators has been developed and recommended for practical use.

Магистрлик диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 15- сонли баённома «30» май 2019 й.

Илмий раҳбар: проф. Холбеков Р.О.

  
имзо

02.07.19.  
сана

Магистр: Раҳмонов Н. Б.

  
имзо

01.07.19.  
сана

**“Ҳимояга тавсия этилади”**  
“Бухгалтерия ҳисоби ” кафедраси  
муdiri, проф. Холбеков Р.О.

  
“ 02 ” июль 2019 йил

Ҳимоя 2019 йил “03” июль соат 14-00 да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

## Мундарижа:

Кириш.....	4
1.БОБ. Иқтисодий ва модернизация қилишда автотранспорт хизматини кўрсатувчи корхоналарида асосий воситалар ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асослари.....	9
1.1. Автотранспорт хизматини кўрсатувчи корхоналарининг тутган ўрни ва бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	9
1.2. Асосий воситалардан самарали фойдаланиш назорати ва аудитининг вазифалари.....	26
1.3. Асосий воситалар ҳаракатини расмийлаштириш тартиби ва дастлабки ҳисобини ташкил этиш .....	33
1-боб бўйича хулоса.....	37
2-боб. Автотранспорт хизматини кўрсатувчи корхоналарида асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиши.....	39
2.1. Асосий воситаларнинг туркумланиши ва баҳоланиши.....	39
2.2. Асосий воситаларнинг ҳаракати ва сақлаш харажатлари ҳисоби.....	44
2.3. “Темурбек транс люкс” МЧЖда асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	54
2-боб бўйича хулоса.....	64
3-боб. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида асосий воситалар ҳисоби ривожлантириш масалалари.....	66
3.1. Ишлаб чиқаришни техник ва технологик кўрсатувчи жихозлашда асосий воситалар ҳисобини такомиллаштиришга таъсир этувчи омиллар.....	66
3.2. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида асосий воситалар ҳаракатини назорат қилиш усулларини ривожлантириш босқичлари.....	70
3-боб бўйича хулоса.....	75
Хулоса.....	76
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	79

## Кириш

**Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва долзарблиги.**

“2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишида” кўрсатиб ўтилганидек, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишда макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш муҳим масалалардан биридир.<sup>1</sup>

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида мулкчилик шакллари турли хил бўлган субъектларнинг ташкил топиш жараёнида уларни бошқариш, фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, маъмурият томонидан тезкор қарорларнинг қабул қилинишига асос бўладиган зарур маълумотларни, асосан, бухгалтерия тақдим этади. Барча хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятларини бухгалтерия ҳисобида қайд этиб боришлари ва молиявий ҳисоботларни тузишлари, бу маълумотларни ички ва ташқи истеъмолчиларга тақдим қилишлари шарт.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари ҳам бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан белгиланган.<sup>2</sup>

Шу боисдан, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботни тўғри тузиш, маълумотларни тўғри акс эттириш ҳамда келгуси даврлар учун аниқ қарорлар қабул қилиш долзарб вазифа ҳисобланади. Чунки бухгалтерия

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

<sup>2</sup> “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404.